

ШАРТНОМА №38

Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишлари

«16» ноябр 2022 йил

Фаргона ш.

Низом (устав) асосида иш-юритувчи «Фарғонасувқурилишинвест» ДМ. Бундан буён куйида «Буюртмачи» деб номланувчи номидан директори Ш.Юлдашев бир томондан ва Низом асосида иш-юритувчи «Маърифат сув лойиха» МЧЖ бундан буён матнда «Бажарувчи» деб номланувчи номидан А.Тоштемиров иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I Шартнома предмети.

- 1.3 «Бажарувчи», Фарғона вилояти Олтиариқ тумани «Полосон» МФЙ ҳудудидаги Мозорбоши кўчаларидан оқиб ўтувчи катта ариқни бошланиш қисмидан 1 км узунликдаги қисмини бетонлаштириш ва Товоқчи кўчасига 1 дона тик суғориш қудуғи қуриш ишларини бажариш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариб беришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.
- 1.4 Шартнома предметида кўрсатилган ишчи лойиха-смета ишларини тугатиш ва охириги тўлов муддати «31» декабрь 2022 йил.

II Шартноманинг баҳоси.

- 2.1 Шартнома баҳоси 38 300 000 ҚҚС билан (ўттиз саккиз миллион уч юз минг) сум.

III Тўлов шартлари.

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йули билан шартнома имзолангандан кейин шартнома баҳосини 15% миқдорида олдиндан тўлаш. Қолган қисмини иш бажарилганлиги тўғрисида далолатнома топширилгандан кейин Ғазначилик орқали тўлов жадвалига асосан тўланади.

IV Тарафларнинг мажбуриятлари.

- 4.1 «Буюртмачи» керакли материаллар билан таъминлаш ҳамда асбоб-анжомларини саклаш учун шароит яратиш. Иш жараёнида техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган шароит яратиб бериш. Иш бажарилганлиги ҳақидаги далолатномалар топширилгандан кейин 30 кун муддат ичида шартномадаги қолган қийматини тўлаш, ишларини жойида бажарилишида иштирок этиш ва қабул қилиб олиш учун ўз томонидан маъсул ходим ажратиш.
- 4.2 «Бажарувчи»:
 - Ишни шартномада белгиланган муддатда сифатли бажариш ва топшириш.
 - «Буюртмачи» талаби асосида ходимларни қидирув ишларини бажариш учун объектга бориб келишга транспорт воситаси билан таъминлаш.
 - Керакли иш қуроallarини ўз ҳисобидан таъминлаш.

V Тарафларнинг жавобгарлиги.

- 5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.
- 5.2 «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи» га иш ва хизматларни белгиланган муддатларда бажариб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун бажариб бермаган иш ва хизматлар қийматинининг 0,5% миқдорида «Буюртмачи» га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори бажарилмаган иш ва хизматлар қийматинининг 50% дан ошмасилиги керак.
- 5.3 Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда иш ва хизматлар бажарилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу шартнома бўйича иш ва хизматлар қийматинининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.4 «Буюртмачи» томонидан бажарилган иш ва хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдоридан «Бажарувчига» пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

VI Форс мажор холлари.

6.1 Тарафлардан ҳеч бири бошқа томоннинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини тарафларнинг эрки ва истагидан пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ва бартараф этиш мумкин бўлмаган холларда жавобгарликни ўтамайди.

VII Низоларни ҳал этиш тартиби.

7.1 Шартнома бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўладиган барча низолар келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан, ҳал қилиб бўлмаса суд орқали ҳал этилади.

VIII Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.

8.1 Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса ҳужалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлари тартибида ҳал қилинади.

8.2 Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

8.3 Ушбу шартнома икки томонлама имзоланиб, Ҳазначилик Бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

IX Тарафларнинг юридик манзиллари

«Буюртмачи»

“Фарғонасувқурилишинвест” ДМ
Фарғона шаҳри Ал-Фарғоний 92-уй
ПХВ 301821860304017049801170006
ИНН 201152382 ОКЭД 70210
Ўзб.Респ. Молия вазирлиги Ҳазначилиги
р/с 23402000300100001010
Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш.
МФО 00014 ИНН 201122919

«Бажарувчи»

«Маърифат сув лойиха» МЧЖ
Фарғона тумани Марғилон к-си №257
тел. +998-91-653-81-58
х/р 20208000604724566001
АТБ Туронбанк Фарғона бўлими.
ИНН: 300831105
ОКОНХ: 66000
МФО: 00498



Директор

Ш.Юлдашев



Раҳбар

А.Тоштемиров

Ҳуқуқий ҳулоса.

Ушбу шартномани ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим. Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун ва фуқаролик кодекси билан тартибга солинади, ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос келади.

Юрист